

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 2 июль • №25 (1357)

## Ислохотлар: кеча ва бугун

# ТАРИХИЙ ЮКСАЛИШЛАРГА ГУВОҲ БУ МАСКАН!

Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси 125 ёшга тўлди


Этирофлиси шундаки, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимига ниҳоятда катта эътибор қаратилди. Ҳақиқатни айтиш тадиган бўлсак, инсон саломат бўлсагина, жамият тараққий топади. Мана шундай эзгу мақсадни қалбига мужассам этган, Давлатимиз раҳбари соҳанинг ҳар бир йўналишини зимдан кузатиб, муаммолар ечимини ҳал қилиш борасида ўз тақлифларини бериб, янгича ғояларни илгари сурдилар. Бундай одилона сиёсат бугунга келиб, ўзининг самарали натижаларини берди десак, муболага бўлмайди.

"...Бу ерда даволанаётган беморларнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Улар ҳам фуқароларимиз, биз уларга барча зарурий шароитларни яратиб беришимиз керак".

Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Аҳамиятли томони шундаки, Юртбошимиз тиббиётнинг ижтимоий соҳасидаги йўналишларга эътибор қаратишлари билан бирга мазкур тиббиёт муассасаларига ташрифи у ердаги шарт-шароитлар билан танишишлари ҳамда янгича ғояларни тақдим этишлари ҳеч биримизни бефарқ қолдиргани йўқ. Бунинг исботи сифатида айтишимиз мумкинки, бундай жараёнларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда доимий кузатиб борамиз. Маълум бир вақт ўтиши билан белгиланган топшириқлар аъло даражада бажарилганлигини кўрамиз ва гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Куни кеча ўзининг кўп йиллик тарихига эга бўлган 125 ёшни қарши олган Тошкент шаҳар руҳий касал-

ликлар клиник шифохонасида бўлганимизда бундан тўрт йил олдинги тиббиёт муассасасининг ички ва ташқи киёфаси, қолаверса, шарт-шароитлари бутунлай замонавий муассасага айланганлигини кўрдик. Бу, албатта, Президентимизнинг мазкур муассасага ҳам ташриф буюриб, ушбу шифохонани обод масканга айлантиришдаги ғоясининг ҳақиқат эканлигига амин бўлдик. Бир сўз билан айтганда, кўзларимга ишонмадим. Чунки, бундан бир неча йил олдин мазкур клиник шифохонада бўлганимда, у ердаги ҳолатлар менда бошқача таассурот қолдирган эди. Бугунга келиб эса янги киёфа кашф этган муассаса юртимизнинг энг зўр дам олиш сиҳатгоҳларидан қолишмайди. Халқимизда бир нақл бор "Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал"



Хайрулла Хусанхўжаев, Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими.

дейишади. Шундай экан, мен ушбу мақолга амал қилган ҳолда шифо масканига ташриф буюрдим. Бундай ўзгача киёфа кашф этган маскан тўғрисида ёзмасликнинг иложи йўқ.

► (Давоми 4, 5, 6 ва 7-бетларда)

## Эътироф

# ИНСТИТУТ МАМЛАКАТДА БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ ХАЛҚАРО ISO СЕРТИФИКАТИНИ ОЛДИ



Самарқанд давлат тиббиёт институтида "Юқумли касалликлар – долзарб масалалар, ютуқлар, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга инновацион ёндашувлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференция очилишида Словакиянинг фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ян Бори Самарқанд давлат тиббиёт инсти-

тутига халқаро ISO сертификати топширди.

– Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари орасида

биринчилар қатори институтимизнинг халқаро ISO сертификати эга бўлганидан жуда-ям мамнунмиз, – дейди СамД-ТИ ректори, профессор Жасур Ризаев. – Бу таълим жараёни халқаро стандартларга мос равишда давом этаётгани, халқаро рейтингларга кириши имкониятимиз ошиб бораётганини ифодалайди. Институтимиз нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам ўз мақомига эга бўлганини аниқлатади.

Халқаро илмий-амалий конференцияда, шунингдек, йигирмага яқин дунёнинг тиббий билим юрғларидан етакчи олимлар, соҳа мутахассислари маъруза қилишди. Муҳокама қилинган мавзулар бўйича энг замонавий маълумотлар келтирилди. Қилинган маърузаларнинг аксарияти амалий йўналтирилган бўлиб, хусусан COVID-19нинг



турли касалликлардаги хусусиятлари ва улардан реабилитация қилиш амалиёти бўйича маърузачилар томонидан маълумотлар келтирилди. Халқаро конференция, шубҳасиз, минтақа ва бутун республикада юқумли ва паразитар касалликлар, Covid-19 ва ОИВ инфекциясини даво-

лаш каби йўналишларни ривожлантиришга, малакали тиббиёт кадрларини шакллантиришга, мазкур соҳаларга инновацион янгилликларни киритишга ҳамда мамлакатимиз олимларининг халқаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## Ҳамкорлик

## КОРЕЯЛИК ҲАМКАСБЛАР БИЛАН ТЕЛЕМОСТ

Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев бошчилигидаги делегация Корея Республикасига амалий ташриф билан бўлган эди.

Сафар давомида давлатимиз раҳбарининг тизимни ривожлантиришда Корея тажрибасини қўллаш бўйича делегация Сеул миллий университетининг Бунданг шифохонаси фаолияти билан танишиб, шифохона бош шифокори Пек Нам Чжон билан учрашганди. Муҳокамалар чоғида саратонга ташхис қўйиш ва даволаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзбекистонлик шифокорлар учун тренинглари ташкил этиш, Бунданг шифохонасининг етакчи шифокорларини Ўзбекистонга таклиф этиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларини рақамлаштиришда Жанубий Корея томонининг энг яхши амалиётларини жорий этиш юзасидан фикр алмашилган эди. Шунингдек, Бунданг шифохонасида Ўзбекистоннинг Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари малакасини ошириш масалаларини ўрганиш ҳамда Жанубий Корея шифохонаси ходимларининг маҳорат дарсларини ўтказиш учун Ўзбекистонга сафарини ташкил этиш бўйича келишиб олишганди. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Сеул миллий университети Бунданг шифохонаси билан телемоост ўрна-

тилди. Унда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Улугбек Сабиров ва Сеул миллий университетининг Бунданг клиникаси бош шифокори Пек Нам Чжон бошчилигидаги соҳа мутахассислари иштирок этишди. Кореялик мутахассислар юртимизда онкологик касалликларни даволашга ихтисослаштирилган марказ, унинг филиаллари фаолияти билан танишди. Мулоқот давомида икки давлат мутахассислари юртимизда барпо этилаётган 650 ўринли онкология марказининг қурилиши, жиҳозланиши, диагностика ва даволаш ишларини ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди. Мутахассисларнинг икки томонлама малака ошириш ишларини ташкил қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир давомида онлайн консультациялар ташкил қилиниб, икки шифохона мутахассислари юртимиздаги мунозарали беморлар ҳолатини муҳокама қилиб, клиник тавсиялар олинди. Шунингдек, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва скринингини ташкил қилиш йўналишида Корея тажрибасини жорий қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энг долзарб бўлган касалликлар, жумладан, кўкрак беши саратони, бачадон бўйни саратони ва колоректал саратонни



ташхислаш ва даволаш бўйича вебинарлар ташкил қилишга келишиб олинди. Телемедицина имкониятларидан фойдаланиб амалга оширилган ушбу тадбир давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Сеул миллий университети Бунданг клиникаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат икки томонлама мутахассислар алмашинувини ташкил қилиш, даволаш тактикалари ҳамда

ўқув-услубий материаллар билан алмашиш, илмий-тадқиқот

ишларида ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради.

**Маълумот учун: Сеул миллий университети Бунданг шифохонаси университетнинг тиббиёт бўлими сифатида 2003 йилда очилган. Шифохона Жанубий Кореяда тиббиёт йўналишида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу шифохона АҚШдан ташқарида 7 босқичли сертификатни қўлга киритган биринчи муассаса ҳисобланади. У АҚШ тиббиёт ахборот жамияти томонидан энг юқори даражадаги ахборотлаштириш соҳасида тан олинган. Муассаса АҚШ ва Яқин Шарқ мамлакатларига замонавий тиббиёт ахборот тизимларини экспорт қилади.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Матбуот хизмати.

## Кун мавзуси

## ВАКЦИНАЛАР ҲАҚИДАГИ САЛБИЙ ХАБАРЛАРГА ИШОНМАНГ

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизга олиб келинаётган коронавирусга қарши вакциналар инсон организми учун зарарли экани, айниқса, Хитойда ишлаб чиқарилган вакцина жуда хавфлиги тўғрисида турли асоссиз хабарлар тарқалмоқда. Бу эса одамлар орасида турли тушунмовчиликларга сабаб бўлди.

– “COVID-19” инфекциясига қарши самарали курашиш, ушбу хавфли хасталикдан халос бўлиш бугун инсоният кун тартибидидаги энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Айтиш лозимки, мана шундай оғир ва мураккаб даврда дунё олимлари томонидан коронавирусга қарши яратилаётган вакциналар ушбу касалликнинг олдини олиш ва пандемияни тўхтатиш учун барчамизга катта умид ва ишонч бағишламоқда. Бироқ, афсуски, аксарият мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолини коронавирусга қарши оммавий эмлаш тадбирлари бошлангач, ижтимоий тармоқлар ҳамда аҳоли орасида турли асоссиз ва ҳеч қандай мантиқ ва ҳақиқат-

га тўғри келмайдиган мишмиш ва ёлғон хабарлар тарқалиши авж олди. Айниқса, Ўзбекистондаги эмлаш тадбирларида мутлақо иштирок этмаган ва мамлакатимизга олиб келинган вакциналар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган айрим юртдошларимизнинг чет элда туриб, халқимиз орасида вакцинага нисбатан ишончсизлик уйғотиши, унинг таркиби, инсон организмига таъсирлари ҳақида ёлғон маълумотлар тарқатиши ачинарли, албатта. Аслида бундай одамларнинг вакциналарни зарарли дейишига ҳеч қандай асосли фикри йўқ ва уларнинг гап-сўзлари қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас. Боиси,



улар ушбу вакциналарни ишлаб чиқариш ва синов жараёнларида, қолаверса, юртимиздаги эмлаш тадбирларида иштирок этмаган. Ваҳоланки, мутахассис, шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган “ZF-UZ-VAC 2001” вакцинасининг 3 дозаси билан эмланган фуқаро сифатида айтишим мумкинки, юртимизга олиб келинаётган барча вакциналар қаторида ушбу воситанинг ҳам сифати ва самарадорлиги мутахассислар томонидан тўлиқ исботланган. Қолавер-

са, соғлом фикр билан ўйласак, бугун вакцинадан бошқа ушбу касалликни энга оладиган бирорта ҳам самарали восита кўринмаяпти. Яъни касалларни рўйхатга олиш, беморларни шифохоналарга ётқизиш ва даволаш билангина бу хасталикни энга олмаймиз. “COVID-19” инфекциясини олдини олиш учун эса жамоавий иммунитет керак. Жамоавий иммунитет фақат икки йўл – оммавий касалланиш ва эмланиш билангина шаклланади. Бироқ биринчи йўл – оммавий касалланиш нақадар хавфли йўл эканига ўтган бир йилдан ортиқ вақт давомида барчамиз гувоҳ бўлдик. Шундай экан, ягона йўл – эм-

лаш орқали мустаҳкам иммунитетни шакллантиришимиз керак. Аҳолининг 60-70 фоизда иммунитет бўлмас экан жамоавий иммунитетни, бу орқали барқарор эпидемиологик вазиятни таъминлай олмаймиз. Маълумки, бугун дунёдаги санокли мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам 18 ёшдан юқори бўлган фуқароларни “COVID-19”га қарши оммавий эмлаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Айни пайтга қадар мамлакатимизга 7,4 миллион доза вакцина олиб келинди. 3,5 миллион нафардан ортиқ фуқаро эса ушбу касалликка қарши эмланди.

**Шундай экан, бу каби асоссиз хабарларга ишонмаслигимиз, аксинча барчамиз давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз лозим. Зеро, бу ўзимиз ва яқинларимиз саломатлиги учун жуда муҳим.**

Нурмат АТАБЕКОВ,  
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари ўринбосари.

● **Ёшлар келажакимиз****ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ  
ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ**

Ушбу учрашувда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Абдулла Азизов ёш мусаввирлар ва санъаткорлар билан танишди. Миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақада ҳакамлар ҳайъати сифатида иштирок этди ва ёш спортчиларни медаллар ва қимматбаҳо совғалар билан табриклади.

Бундан ташқари, шахмат, шашка ва каратэ каби спорт турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Учрашув давомида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Абдулла Азизов телемедицина ҳамда сунъий интеллект соҳасидаги жаҳон тенденциялари ҳақида маъруза қилди ва илғор мамлакатларни рақамлаштириш бўйича ўз тажрибаси билан бўлишди. Сўз якунида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларни беришди ва тўлақонли равишда жавоблар олишди.

Шунингдек, туман аҳолисининг мурожаатлари ҳам эшитилди ва уларнинг ижроси масъул шахслар томонидан назоратга олиниши белгиланди.

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.

● **Соғлиқимиз ўз қўлимизда****ҚАНДСИЗ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИ ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?**

Барчамизга маълумки, қандли диабет қондаги қанд миқдорининг меъёридан ошиб кетишидан келиб чиқади. Аммо қандсиз диабет ҳақида нималарни биламиз?

– Қандсиз диабетнинг алоҳида касаллик эканини 1674 йили инглиз олими Томас Уилс аниқлаган. Олимнинг фикрича, қандсиз диабет гипофиз безидан ишлаб чиқарилаётган антидиуретик гормоннинг етишмаслиги жиҳатдан қандли диабетдан фарқланади. Маълумки, қандли диабет инсулин гормонининг етишмаслиги ёки унинг таъсир механизмининг бузилиши туфайли келиб чиқади. Касаллик тўсатдан бошланади, бемор жуда чанқайди, оғзи куриб, кўп сув ичади, безовта бўлади. Касалликнинг бу белгилари тез орада зўрая боради. Беморнинг тинчи йўқолиб, асаби бузилади. Дард авжига чиққанда кунига ўнлаб литр сийдик ажралиши мумкин. Қисқа вақт оралиғида бе-

мор анча озади, организмда алоҳида касаллик эканини минерал алмашинуви бузилиши натижасида тери қуруқшайди, сочлар синувчан, тирноқлар мўрт бўлиб қолади. Тез-тез ва кўп миқдорда сув ичиш овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсир кўрсатади. Бунда ошқозоннинг ҳазм ферментлари ишлаб чиқариш фаолияти бузилиб, сурункали гастрит, ўт пуфаги секретор фаолияти издан чиқиши, ингичка ва йўғон ичаклар ҳаракатининг сусайиши, шиллик қаватлар бутунлигига путур етиб, до-

Хаддан зиёд кўп сув ичиш ошқозон деворининг чўзилиб кетиб, катталашшига ва меъданинг пастга силжиши (гастроптоз) ҳолатига олиб келади. Бу эса ошқозон атрофида жойлашган ички аъзолар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Феруза ХАЙДАРОВА,  
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори вазиасини бажарувчи.



имий кабзият бўлиши, натижада энтероколит ва колит каби касалликлар келиб чиқиши мумкин.

● **Фидоийлик****АКАМ УЧУН БУЙРАГИМНИ ЭМАС,  
ЖОНИМНИ ҲАМ БЕРИШГА ТАЙЁРМАН**

Оила, фарзанд, бола - чақа бир томону, дардкашинг синглинг борлиги ҳам бахтинг экан. Дардингни олади, ғамгузоринг бўлади. Бир жойинг оғриси, кўзда ёш билан йўқлайдиган ҳам ана шу яқининг. Балки шунинг учун ҳам муқаддас китобларда акаларнинг буғдойзорларни босиб ўтиб, сингилдан хабар олишига ижобий қаралгандир.



Норинлик икки нафар фарзанднинг отаси Азизбек Мўминов толеи қулган ака бўлгани сабабли бугун унинг умрига умр қўшиляпти... Чунки у бир неча йилдан буён буйрак етишмовчилиги хасталигидан азият чекиб келарди. Икки йилдан буён фақат гемодиализ аппарати билан ҳаёт кечираётган эди.

“Қани энди менга ҳам донор топилсаю, бошқалардек соғлом ҳаёт кечирсам... Бу Азизбек қалбининг тубидаги орзуси эди. Майрамхон жони азоблана-

ётган акасига донорлик қилиш истагини билдирганида Азизбек дабдурустан ишоналмади.

– Синглим, сен бировнинг хасмисан, турмуш ўртоғинг, 3 нафар фарзандларинг бор...

– Акажон Сиз учун жонимни ҳам фидо этишга розиман, – деди у яна ҳеч иккиланмай.

Ахдида қатъий турган Майрамхонни барча яқинлари қўлаб-қувватлади. Текширувлардан ўтгач чап буйрагини беришга ҳозирлик бошланди.

Вилоят кўп тармоқли тиб-



биёт марказининг жарроҳлик бўлимида академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Саидмурод Исмоилов бошчилигида марказнинг қонтомир ва буйрак трансплантацияси бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Фазлиддин Баҳритдинов, етук мутахассислар Қодир Маҳмудов, Азамат Суюмов, Раҳмагжон Пулатов, Зоҳиджон Маткаримов, Жасур Ўриновлар билан наманганлик ҳамкасблар Муроджон Тошпўлатов, Қуёшбек Йўлдошевлар биргаликда юқори технологик мураккаб операцияга астойдил киришиб кетишди.

Донор Майрамхон Мўминованинг чап буйрагини олингач, моҳирлик билан акаси Азизбекнинг ўнг буйрагига кўчириб ўтказишди.

– Наманганда буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказишдан олдин вилоят шифокорларини пойтахтда билим – малакаларини оширдик. Улар амалий ва назарий жараёнларда иштирок этишди. Сўнгра, бундан бир ой илгари ҳам худди шу жойда тўрт нафар беморда буйрак трансплантациясини биргаликда бажарганмиз, – дейди РИХИАТМ қон-томир ва буйрак трансплантацияси бўлими олим-шифокори Фазлиддин Баҳритдинов. – Бу сафар яна 6 нафар мутахассис операция жараёнларида иштирок этиш учун келган бўлсак, кейинги гал 3 нафар, сўнгра, бир нафар мутахассисимиз жарроҳлик амалиёт-

ларини кузатиб, маҳаллий ҳамкасбларига фақатгина маслаҳат ва кўрсатмалар бериб туради, холос. Янги йилдан буйрак трансплантациясини наманганлик мутахассисларнинг ўзлари удалашади. Мақсадимиз ҳамкасбларимиз маҳоратини ошириш, чекка ҳудудлардаги беморларга, зарур қулайликлар, шарт-шароитлар яратишдир.

– Шарафли касб эгалари шифокорлар омон бўлишсин! – дейди бемор Азизбек Мўминовнинг турмуш ўртоғи Ҳаётхон Отажонова. – Шундай имкониятлар муҳайё этилиши учун, халқ саломатлигини таъминлаш учун беҳад ғамхўрликларга кўрсатаётган Президентимизга ҳам мингдан-минг раҳмат.

Манзура ЭРГАШЕВА.



● **Ислохотлар: кеча ва бугун**

# ТАРИХИЙ ЮКСАЛИШЛАРГА ГУВОҲ БУ МАСКАН!

## Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси 125 ёшга тўлди


Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонасига кириб борар эканман, аввало, у ердаги табиат манзараси, янгидан қад кўтарган ва таъмирдан чиқарилган биноларнинг ташқи кўриниши диққатимни ўзига тортди. Илк таширфим шифохонанинг назорат ўтказиш пунктдан боиланди. У ердаги шароитни зимдан кузатар эканман, янгидан қад кўтарилган ихчамгина бино ва унинг ёнида даволанувчиларни кўришга борган яқинлари учун яратилган шароитлар ҳамда кириш ва чиқиш учун масъул бўлган шахсларнинг муомала маданияти мени бефарқ қолдирмади. Шифохона ичкарасига кирганимда, муассасанинг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Тошкент шаҳар бош психиатри Хайрулла Хусанхўжаев кутиб олди. Биз аввало, суҳбатимизни клиник шифохонанинг тарихи тўғрисида бошладик.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

– Сўзимни бошида мамуният билан айтмоқчиманки, шифохонамизга Президентимизнинг ташриф буюрганликлари муассасамиз фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди. Мана ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсизки, тиббиёт масканимиз замонавий қилиб айтганда, янгича қиёфа кашф этди. Халқимиз орасида “Тарихсиз келажак йўқ” деган пурмаъно фикрлар бежизга айтилмаган. Шу боис, суҳбатимизни шифохона тарихидан бошласак. 2021 йилнинг 29 июнь куни руҳий касалликлар клиник шифохонанинг ташкил қилинганлигига 125 йил тўлди. Албатта, бу жуда катта давр ҳисобланиб, ўзи-




ликлар бўлими», деб аталган ва 50 койка (24 койка ҳарбий идоралар учун ва 26 койка аҳоли учун)га мўлжалланган 3 та бинодан иборат эди. Ўша вақтда муассаса даволаш-эксперт вазифасини бажарар ҳамда беморларнинг бир қисмини Россиянинг психиатрик муассасаларига юборарди.



нинг кўп йиллик тарихига эга. Айтишим жоизки, муассасамиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли бўлиб, Ўрта Осиёда биринчи марта очилган руҳий касалликлар шифохонасидир. Очилган вақтда бу муассаса «Тошкент ҳарбий госпитали қошидаги руҳий касал-


Бўлимда бўлим бошлиғи билан бирга 2 нафар врач фаолият олиб боришган. Кейинроқ эса 1905 йили Сирдарёда ташкил этилган. Перовская (Қизил - Орда) земская психиатрик шифохонаси ва 1912 йилдан бошлаб 6 койкага мўлжалланган ҳозирги Юсуф Хос Хожиб кўчасида шаҳар психиатрик беморлар қабул



қилиш хонаси билан бирга фаолият юритишган. Госпиталга қарашли даврда, бу бўлимга Петербург психиатрик мактаби талабалари, профессорлар И. Мержеевский ва В. Бехтеревнинг ўқувчилари – тиббиёт фанлари докторла-

унга бошчилик қилди, бош шифокор қилиб эса Л. Анциферов тайинланди, унинг келиши билан муассаса ривожланишининг кейинги босқичи бошланди. Қойкалар сони 200 тагача кўпайтирилди, шунингдек, 3 та корпус капитал таъмирланди, 1924 йилда суд-психиатрик экспертиза бўлими иш бошлади. 1925

га ва унинг фаолиятларни тўғри йўлга қўйиш ишларига катта эътибор қаратишди. 1940 йилларда психиатрия кафедрасига профессор Ф. Детенгоф бошчилик қилди. 1934 йилга келиб, шифохонада бўлимлар сони 11 тага, қойкалар сони 500 тага етди ва Республика клиник психиатрик шифохонаси деб янги ном олди. Унда қабул-кузатув, наркологик ва чегара бўлимлари ихтисосланди. 1944 йилда илк бор маҳаллий зиёлилар вакили – М. Ғуломов шифохонанинг бош шифокори этиб тайинланди. 1940-йилларнинг охирида шифохона 12 та бўлим, умумий қуввати 600 та койка бўлиб, унда кундузги шифохона, аптека ва қатор лабораториялар ташкил этилди. Ушбу давр мобайнида меҳнат устaxonаларида тикувчилик, трикотаж, косибчилик, картонаж, дурадгорлик, сумка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1949 йилнинг 27 апрелида шифокор психиатр Н. Арипов «Марказий Осиё иссиқ иқлимнинг эпилептик тутқаноқлар ва эпилептиформ аҳволлар частотасига (тез-тез учраши) таъсири» номли диссертациясини ҳимоя қилиб, Ўзбекистонда биринчи марта тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. 1950 йилларда бош шифокор М. Ғуломов бошчилигида янги бўлимлар қурилиши бошланди. Фаолиятлар янада такомиллаштирилиб самарали ишлар йўлга қўйилди. Шунингдек, 1960 йилларда бош шифокорлар О. Мурталибов ва Т. Иноғамовлар ҳам муассаса ишларига эътибор қаратиб, янги бинолар қурилишини давом эттиришди. 1960 йилга келиб, шифохона қуввати 1180 койкага,



йилда эса даволовчи-меҳнат устaxonалари ишга туширилди ва боғ-таморқа ишлаб чиқариши ташкил қилинди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида шифохона негизда биринчи психоневрологик диспансер очилди, кў-

ри В. Тишков, Я. Горшков ва А.Трапезниковлар раҳбарлик лавозимида фаолият олиб боришган. 1919 йилда шифохона фуқаролик муассасига топширилди, 1920 йилдан бошлаб эса унинг негизда Туркистон университети тиббиёт факультети психиатрия кафедраси ташкил этилди (кейинчалик Тошкент тиббиёт институтининг психиатрия кафедраси), 1921 йилда Москвадан келган Ю. Каннабах

шимча корпуслар қурилди ва уларда болалар психоневрологик санаторияси ҳамда тиббиёт факультети психиатрия клиникаси ва кафедраси жойлаштирилди. Шифохона базасидаги психиатрик клиниканинг биринчи директорлари Москва психиатрия мактаби намоёндалари Ю. Каннабах, С. Преображенский, А. Сухов, В. Руднев бўлиб, улар республикада психиатрик ёрдамни ташкил этиш-



Гуруҳли психотерапия ва релаксация хонаси

► (Давоми 5,6 ва 7-бетларда)

● **Ислохотлар: кеча ва бугун****ТАРИХИЙ ЮКСАЛИШЛАРГА ГУВОҲ БУ МАСКАН!****Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси 125 ёшга тўлди**

► (Давоми. Боши 1-4 бетларда)

1980 йилга келиб, 1735 тага етди. 1962 йилда шифохона ва Республика тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий вакили Х. Алимов психиатрия бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1964 йилда Ўзбеки-

да докторлик ишини ҳимоя қилди. Шундай қилиб, клиник психиатрия шифохонаси республикада шифокор ва илмий кадрларни тайёрлаш марказига айланди.


1984 йилдан Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори билан шифохона шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфига ўт-

лари доктори З. Ашуровлар раҳбарлик лавозимларини олиб боришди. Ҳозирда эса Тиббиёт ходимлари касбий малакаларини ошириш марказидаги ва психотерапия кафедрасига тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош психиатри У. Али-

куни шифохонани таъмирлаш бўйича берган топшириқлари шифохона фаолиятини янада ривожланишига асосий омил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги Фармойиши ва 2017 йил 21 августидаги 9-сонли баённомасига асосан 2017-2021 йилларда клиник пси-

тека, қабул бўлими бинолари реконструкция қилинди.

Ҳозирги вақтда шифохонада 18 та бўлим мавжуд. Ва унинг клиник базасида учта тиббиёт институти – Тошкент тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тиббиёт ходимлари касбий малакаларини ошириш Марка-



стон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан шифохонада бутун Республика психиатрия хизмати ни режалаштириш ва ривожлантириш вазифаси юклатилган ташкилий-услубий бўлими бўлган диспансер очилди. 1966 йилда шифохона негизда профессор Х. Алимов томонидан янги кафедра – Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг психиатрия, 1972 йилда эса доцент Т. Исмоилов томонидан Ўрта Осиё тиббиёт институтининг психиатрия кафедралари ташкил этилди. 1967 йили Москвада Ш. Мурталипов тиббиёт фанлари номзодлик диссертациясини 1976 йил-

казилди. 1988 йилда раҳбариятнинг буйруғи асосида мазкур шифохонага бош шифокор этиб тайинландим. 1992 йилда шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 5 нафар тиббий бригадалар ҳудудга ва шифохона тасарруфига ўтказилди. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг психиатрия кафедрасида 1997-2007 йилларда тиббиёт фанлари доктори, профессори Б. Тошматов, 2007-2012 йилларда тиббиёт фанлари доктори, профессор Н. Ходжаева ва Тошкент тиббиёт Академиясининг психиатрия ва наркология кафедрасига 2012 йилдан тиббиёт фан-

мов бошчилик қилмоқда. 2006 йилдан ҳозирги вақтгача Тошкент педиатрия тиббиёт институти психиатрия ва болалар психиатрияси, тиббиёт психологияси, психотерапияси кафедрасига тиббиёт фанлари доктори В. Абдуллаева раҳбарлик вазифасини бажариб келмоқда. Шифохона ривожланишининг навбатдаги босқичи 2015 йилда бошланган бўлиб, Инвестиция дастури доирасида психотуберкулез, 2 та эркаклар ва 2 та аёллар психиатрик бўлимлари қурилди, 1 та эркаклар бўлими эса реконструкция қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 июнь

психиатрия шифохонамизда кенг қўламли қурилиш ишлари амалга оширилди. 2018 йилда 7 та даволаш бўлимлари (420 та койка) учун бинолар, озиқ-овқат блоки биноси қурилди, маслаҳат-ташхис биноси бўлими реконструкция қилинди. 2019 йилда 3 та даволаш бўлими (180 та койка), физиотерапия бўлими ва клиник-биокимё лабораториялари учун бинолар реконструкцияси амалга оширилди. 2020 йилда суд бўлими биноси (50 койка), кир ювиш ва моддий склад бинолари қуриб битказилди. 2 та даволаш бўлими (120 койка) ва ўқув биноси (Тиббиёт институтларининг психиатрия кафедралари), ап-

зининг психиатрия кафедралари жойлашган. 2021 йилда назорат-ўтказиш пункти биноси қурилди. Барча бўлимлар зарур асбоб-ускуналар ва қаттиқ инвентарь билан жиҳозланган, электрон хужжат айланишини амалга ошириш учун ички тармоқ яратиш режалаштирилган. Муҳандислик тармоқларидан водопровод, канализация, электр қуввати, газ, телефон алоқаси тўлиқ янгиланган. Ҳали олдимизда турган вазибалар кўп. Албатта, бу борадаги фаолиятлар давом этади, – дейди клиник шифохонанинг бош шифокори Хайрулла Хусанхўжаев.

**Эътибор беринг!**

**Бош шифокор Хайрулла Нуриллаевич билан шифохонанинг иккинчи яъни очиқ бўлимига таширф буюрдик.**

Ичкарига кирар эканмиз, биринчи навбатда у ердаги тозалик ва озодалик диққатимизни тортди. Биз бирин-кетин бўлимдаги шарт-шароитларни кўздан кечирганимизда шифокорлар, бўлим бошлиғи, муолажа хоналари шунингдек, беморхоналар, ҳамшира посты, даволанувчиларнинг дам олиш жойлари ҳамда ошхоналарнинг замон талабларига мослиги бизни бефарқ қолдирмади. Айниқса, беморлар учун яратилган шароитлар талаб даражасида. Биз коридор бўйлаб борар экан-

миз, бир гуруҳ даволанувчилар маданий ҳордик чиқариб туришган экан. Улар бизни кўриши билан ўринларидан туриб, саломлашишди. Беморлар кўтаринки кайфиятда. **Ниҳоят даволанувчилардан уч нафари ёнимизга келиб, ўзларининг қуйидаги эътирофли фикрларини билдиришди.** “– Биз биринчи навбатда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз. Бир неча йиллардан ушбу шифохонада даво муолажаларини оламиз. Даволанишимиз учун бар-

ча шароитлар мавжуд. Айниқса, бўлим бошлиғи Райхон Аксанова ва унинг аҳил жамоасидаги барча ходимларининг хушмуомалалигидан жуда мамнунмиз. Бўлим доимо тоза ва озода сақланади. Хоналаримиз ёруғ, кўрпа-тўшакларимиз доимо тоза. Ошхонада ҳам замонавий стол-стуллар, мазали таомлар, дам олиши-



миз учун имкониятлар ҳам яратилган. Бундан ташқари, шифохона ҳовлисида чиқиб айланганимизда мевали ва манзарали дарахтлар, айниқса, анвойи гулларнинг чиройи ва дилга хузур бағишловчи

► (Давоми 6 ва 7-бетларда)



# ТАРИХИЙ ЮКСАЛИШЛАРГА ГУВОҲ БУ МАСКАН!

Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси 125 ёшга тўлди

► (Давоми. Боши 1, 4 ва 5 бетларда)

ҳидлари руҳиятимизни янада кўтарди.

Бизларга ўз онаси, опа-си ва синглидек меҳр бераётган бош шифокор Хайрулла Хусанхўжаев, бўлим бошлиғи Райҳон Аксанова ҳамда шифокор, ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорлик билдираман. Улар бизни бахтимизга доимо соғ-саломат бўлишсин.” дея ўз фикрларига яқун ясади. Албатта, бу эътирофли фикрлар машаққатли меҳнатлари ортдан хурматга сазовор бўлаётган ана шундай касбига садоқатли шифокорлар шаънига битилгани бежиз эмас.



**Шу ўринда бўлим бошлиғи Райҳона Аксановани суҳбатга тордик.**

—Кўп йиллардан буён мазкур шифо масканида фаолият юритиб келаяпман. Шу ўринда айтишим жоизки, тизимда шундай йўналишлар борки, улар ҳақида аҳоли ўртасида турлича қарашлар шаклланиган. Жумладан, психиатрия хизмати яъни руҳий касалликлар бўйича халқимиз орасида ҳар хил гаплар юради. Гўёки уларнинг назарида руҳий бузилишга чалинган инсон ҳеч қачон тузалмайди. Ёки бўлмаса ушбу касаллик бўйича шифокорга илк бор учрашганда махсус ҳисобга олиниши оила аъзолари ва яқинлари учун муаммолар туғдириши табиий эди. Лекин айтишим жоизки, кунда психиатрия йўналиши бўйича қабул қилинган янги қонунда беморларнинг кўп тоифалари махсус ҳисобга олиниши бўлди. Бўлимимиз 40 ўринга эга бўлиб, унда асосан, невроз яъни психосоматик касалликлар бор, эркак ва аёллар даволанишади. Даволанувчилар учун ҳамма шароитлар етарли. Улар бўлим очиб бўлганлиги сабабли шифохона ҳовлисида сайр қилишади. Дори-дармонлардан камчиликлар йўқ. Беморлар физиотерапия бўлимида муолажалар олишади. Фитобарда касаллик турига

қараб тайёрланган дамламаларни қабул қилишади. Шунингдек, маслаҳат ташхис бўлимида беморларимиз тор мутахассислар тиббий кўригидан ўтиб туришади. Асабий ҳолат, руҳий зўриқиш, кўркув, уйқусизлик билан келган беморларимиз аввалида ўзларини бошқача ҳис қилишади. Даво муолажаларини олгач, аҳволлари яхшилана бошлади. Бемалол мулоқот қилишади. Дам олиш жойларида ҳордик чиқаришади. Бундан ташқари, шифохонамизда маънавий ишлари бўйича мутахассиснинг йиллик иш режаси бўйича даволанувчилар маданий ҳордик чиқариш учун пойтахтимизнинг турли музейларида экскурсияларда бўли-



лари олдида хижолат чекар эдик. Энди эса гурур ёруғ юз билан шароитларимизни кўрсатамиз, ҳеч қандай дори воситалари, кийим, чойшаб, ёстик, кўрпа жилдлари керак эмас, ҳамма нарсамиз етарли деймиз. Гоҳида беморларни яқинлари ажабланишади: “дорилар, озиқ-овқат ёки бирор бир нарса керак эмасми?” деб. Ҳозирги шароитда ўзимиз ҳам хурсанд бўлиб, фахр билан ишлаймиз, бунга асосимиз бор. Хоналар тоза, шинам, ёруғ, янги кулай ётоқлар ҳар бир беморни ўз шахсий буюмларини жойлаш учун кийим жавонлари бор. Беморларни ҳар томонлама текшириш учун замонавий лаборатория, ЭКГ, ЭЭГ, рентген аппаратлари мавжуд. Беморларга фақатгина их-

тисослаштирилган даволаниш ва текшириш ўтказиш билан кифояланмайди, шифохона ҳолатига ва заруриятига кўра, терапевт, невролог, хирург, фтизиатр, кардиолог, дерматолог, окулист, стоматолог мутахассисларини кўриги ва зарур бўлган даволаш муолажалари ўтказилади. Бўлимларда нафақат даволаниш балки дам олиш, спорт, рассомчилик билан шуғулланиш учун шароитлар ҳам яратилган. Масалан, бўлимда велотренажор, швед девори, югуриш йўли каби спорт анжомлари, гимнастик копток, матлар беморлар фойдаланиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун ҳам имкониятлар кенг. Ҳар куни эрталаб, бўлимга инструктор келиб, беморлар билан машқ ўтказилади. Беморлар ҳовлида сайр қилиши, дам олиши учун скамейкалар, соябонлар, иқлимимизни ҳисобга олиниб микроклимат ўрнатилган. Қизиқишларига қараб, беморлар расм чизишади, шахмат, шашка каби ўйинлар билан вақт ўтказишади. Ҳамма бўлимларда телевизор, кутубхоналар бор, хоҳлаган бемор бор китоблардан фойдаланиши мумкин. Беморларни билим доираси ва тушучаларини кенгайтириш мақсадида, мамлакатимиз тарихий музейларига экскурсиялар уюштирилади. Шифохонамизда физиотерапия бўлими замонавий аппаратуралар

**Иккинчи бўлимдан чиқиб 14-ёшиқ бўлимга кирдик. Кўп йиллардан буён касбига садоқат билан фаолият юритаётган бўлим бошлиғи Таусифа Шайхова билан суҳбатда бўлдик.**

— 2017 йилда Президентимизни ташрифларидан кейин, шифохонамизда катта ўзгаришлар бўлганига гувоҳимиз. Эски, кўп йиллик, таъмирлашга муҳтож бинолар реконструкциядан сўнг умуман янгича кифо кашф этди. Энди бу биноларни таниб бўлмайди, олдинги бинолар тарихда, фотосуратларда қолди фақат. Олдинлари фаолият юритишимиз учун шароитлар етарли эмас эди. Хатто беморларимизнинг яқин-

билан жиҳозланган бўлиб, беморларга ҳар хил физиотерапевтик муолажалар олиб борилади. Бундан ташқари, фитобарда шифобахш дамламалар тайёрланади. Ҳамма бўлимларда психотерапия усуллари ўтказилади, бунинг учун кабинет психотерапия, релакс хоналари мавжуд. Биз



албатта, бундай шароит ва имкониятлардан мамнунмиз. Ўз ўрнида Президентимизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

**Василя АБДУЛЛАЕВА, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Психиатрия, наркологи ва болалар психиатрияси, тиббий психология ва психотерапия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Кафедрамиз 1972 йилда ташкил этилган. Кафедранинг асосчиси ва мудири, профессор Турсун Исмоилов бўлганлар. Шунингдек, улар Республика болалар бош психиатри вазифасини ҳам олиб борганлар. Ўша даврларда интернат ва клиник ординатура бўлиб, профессор Турсун Исмоилов раҳбарлигида кўплаб бўлажак мутахассислар ҳам назарий ва амалий билимларга эга бўлишган ва айтишим жоизки, кунда психиатрия йўналишида фаолият олиб боришмоқда. Таъкидлашим муҳимки, мазкур йўналишда Давлатимиз раҳбарлиги томонидан меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, айтишим жоизки, клиник шифохона фаолиятида катта ўзгаришлар бўлди. Айтишим жоизки, кунда шифохонанинг клиник базасида Тошкент давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тиббиёт ходимлари касбий малакаларини ошириш марказининг пси-

хиатрия кафедралари жойлашган. Бизнинг кафедрада таълим йўналишидаги бакалавр, магистратура ва клиник ординатурадаги талаба ва мутахассислар таҳсил олишади. Кафедрамизда иккита фан яъни психиатри ва тиббий психология бўйича дарс берилади. Магистратурада иккита фан йўналиши бўлиб, психиатр ва тиббий психология ҳамда клиник ординатурада эса учта фан йўналиши яъни психиатр, тиббий психология ва наркологи бўйича мутахассислар тайёрланади. Шу ўрин айтиб ўтмоқчиманки, ушбу муассасанинг мутахассисларини тайёрлашда асо-

сий марказга айланган. Биз албатта, биргина пойтахт миқёсида эмас, балки ҳудудлар кесимида ҳам кадрлар тайёрлаймиз. Лекин самарали ишлар қаторида муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ушбу соҳанинг оғрикли нуктаси шундаки, психиатрия йўналишида кадрлар етишмовчилиги кузатишмоқда. Бу касбни кўпчилик ёқтирмайди, танламайди ва оғир деб ўйлашади. Таъкидлашим муҳимки, Президентимизнинг қарорларига асосан бу йўналишда магистратура ва клиник ординатура учун грант асосида жой ажратилган. Минг афсуски, талабаларнинг кафедрани келиши жуда суст. Маълумки, пандемия сабабли дарслар онлайн ва офлайн тарзда олиб боришмоқда. Шу кунларда айрим талабаларда бу касбга бўлган қизиқиш ортиб, офлайн тарзда таҳсил олиш учун аризалар беришмоқда. Чунки улар шифо масканидаги барча шароит ва имкониятлардан хабар топишмоқда.

Уйлаيمانки, тарғибот ишлари кучайтирилишига психиатрия соҳаси бўйича кадрлар кўпая бошлайди. Фаолият юритишимиз учун кенг имкониятлар яратиб берган клиник шифохона бош шифокори тиббиёт фанлари номзоди Хайрулла Хусанхўжаевга кафедрамиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

► (Давоми 7-бетда)

Ислохотлар: кеча ва бугун

## ТАРИХИЙ ЮКСАЛИШЛАРГА ГУВОҲ БУ МАСКАН!

Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси 125 ёшга тўлди

► (Охири. Боши 1,4,5 ва 6 бетларда)

**Бош шифокор Хайрулла Нуриллаевич билан муассасанинг ховлисини айланиб юрганимизда беморларни таёқларда юришганини кўриб хайрон бўлдим. Шу ўринда менда ҳақли савол туғилди? Бу-**



**нинг даволанувчилар учун қандай фойдаси бор?**

– Бу скандинавча юриш ёки таёқлар билан юриш ҳозирги вақтда бутун дунёда жисмоний даволаш бўйича алоҳида ўринга эга. Саволингиз тўғри. Скандинавча юришнинг қандай фойдали жиҳатлари бор? У мушакларнинг фаол қисқариши тўғрисида қон айланишини яхшилайдиган, юрак мушаклари хужайраларида моддалар алмашинувини тезлаштирадиган, умумий қон айланиш тизимини фаоллаштирадиган, бўғимлар учун фойда-

зидентимизнинг 2019 йил 13 февраль куни қабул қилган “2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматларини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори шифохонамиз фаолиятини такомиллаштириш борасида

сланган руҳий бузилишларни даволаш усули. ЭКТ асосан оғир депрессияларда, кататония ҳолатларида ва шизофрениянинг дори-дармонларга резистент бўлган кечил турларида қўлланилади ва ҳозирги вақтда мавжуд бўлган даволаш усулларида энг кучли ва тез натижа берадиган усул ҳисобланади. Бемор ҳаёти ва соғлиги учун хавфни имкон қадар камайтириш мақсадида замонавий кўринишдаги ЭКТ фақат қисқа муддатли наркоз ҳолатида миорелаксациядан кейин олиб борилади. Шифохонада 2019 йил охирида ҳомийлар ёрдамида АҚШда ишлаб чиқарилган THYMATRON IV ЭКТ аппарати ва барча керакли анестезиология асбоб-ускуналари сотиб олинди, ҳозирги вақтга мингдан кўп муолажалар ўтказилди, – дейди Булат Ренатович.

**Биз гуруҳли психотерапия ва релаксация хонаси томон йўл олдик. Ушбу хонага кирганимизда менда қанақадайди сокинлик пайдо бўлди. Ва мутахассислардан бу хонанинг афзаллиги тўғрисида сўрадим.**

Демак, гуруҳли психотерапия ва релаксация хонасида тинчлик ва сокинлик яратиш мақсадида у атрофдаги шовқинлардан ва ёруғликдан изоляцияланган бўлиб, беморларда сеанс вақтида қулай бўлиши учун юмшоқ қўл тагликларга эга креслолар, айрим психотерапия усуллари қўллаш мақсадида телевизор ва компьютер ўрнатилган. Даво жараёнида беморлар билан асосан гуруҳли психотерапия, гипноз, ауто-тренинг, мусика терапия ва арт терапия ўтказилар экан. Сеанслар ҳафтасига икки марта 1-1,5 соат давомийлигида олиб борилади. Психотерапия ҳар бир беморнинг касалликка олиб келган психологик муаммоларини ечимини топишга қаратилган бўлиб, даволаш курси одатда 10–12 сеансдан иборат бўлар экан.

**Каромат МИРЗАЕВА,  
16 - бўлим бекаси:**

– Кўп йиллардан буён ушбу муассасада хизмат қилиб келаман. Айни кунда 16-ёш эркаклар бўлимида фаолият юритаман. Бугунги кунда беморлар учун яратилган шароитлар жуда яхши. Шинам хоналар, тоза кўрпа-тўшаклар, жиҳозлар, шунингдек, бўлимдаги имкониятлар даволанувчилар учун ниҳоятда қулай. Улар бўш вақтида шахмат-шашка ўйнашади, спорт турлари билан шуғулланишади, шу билан бирга кутубхонада китоб ўқишади. Ҳафтада икки марта ҳаммомда ювинтириш ишлари амалга оши-



шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Асосий мақсадимиз, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу ерда даволанаётганларни ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Шунинг учун қўлимиздан келгунча уларга меҳр улашиб, саломатликлари учун астойдил хизмат қилишга тайёрмиз.

**Гулноза РЎЗИЕВА,  
маънавият ишлари бўйича масъул ходими:**

– Маънавият сўзининг маъноси араб тилидан “моддий бўлмаган нарсалар” маъносида инсон руҳияти иймон – эътиқоди, илму фаросати, кийиниши, сўзлашиш ва муомала маданияти, миллий қадрияти, тарбияси каби тушунчаларни мужассамлаштирган яхлит тушунчадир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш ҳаётга жорий этиш, Ватанимиз келажиги учун маъсулият ҳиссини ошириш ёт ғояларга қарши иммунитетни кучайтириш тизими шаклланди. Бу борада шифохонамизда маънавий-маърифий ишлар тўғри йўлга қўйилган. Маънавият ва маърифат бўйича тарғибот ишлари йиллик режа бўйича олиб борилади. Тор маънода маънавият ҳар бир инсон билан биргаликда туғилади. У оила жамият таъсирида ривожланади, ўзгаради ўсади. Бош шифокор ва ўринбосарлари бошчилигида ходимларимиз, ташкил қилиниб келаётган маънавият ва маърифат ишларида фаол иштирок этадилар. Асосий мақсад, беморлар руҳиятини ўрганиш, ички кечинмаларини очиб бериш даво ва соғайишга қизиқиш ўйғотиш, ўзига ишончли ортириш мақсадида психотерапевт ёрдамида ҳар бир бўлимда арт терапия яъни расм чизиш буюм ясаш жараёнлари ташкил қилинган. Бундан ташқари беморларимиз учун ҳар ҳафта турли музейларга экскурсия ҳам ташкил қилинган. Хусусан ёш авлодга психотерапевтик ёрдам кўрсатиш мақсадида ходимларимиз “Зирапча” кўрсатувида мутахассис сифатида иштирок этиб келмоқдалар.



**Равшаной  
АБДУРАҲМОНОВА,  
11-бўлимнинг катта  
ҳамшираси:**

– Албатта, психиатрия йўналишида ишлаш ниҳоятда оғир, бунинг учун мутахассисларда сабр-тоқат, метиндек ирода, асаби жуда тетик бўлиши керак. Олдинги шароитда ишга келганлар бир-икки кун ишлаб унинг машаққатли эканлигини кўришиб кетиб қолишарди. Ҳозирда мутахассисларни шифохона талабидан келиб чиққан ҳолда синов муддати билан ишга қабул қиламиз. Бўлимимизда 14 нафар ҳамшира фаолият олиб боради. Улар беморлар билан илиқ муомалада бўлишади, даво муолажаларини ўз вақтида олиб боришади. Бўлимда даволанувчилар учун барча шароитлар мавжуд. Айрим беморлар икки-уч ойлаб даволанишади. Бунинг учун уларга оилавий муҳитидаги

**Хизмат сафари давомида бўлим, кафедра ва физиотерапия бўлимларида бўлганимизда у ерда даволанаётган беморлар учун яратилган шароитларни кўриб мамнун бўлдик. Демак, Юртбошимиз томонидан мазкур соҳа бўйича қабул қилинган қарор ижросининг амалдаги фаолияти бу жараёнда тенг ҳуқуқликни таъминлаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Машаққатли меҳнатлари билан дардман қалбларга нажот бахш этаётган, шифо масканининг фидойи инсонларига куч-қувват ва сўхат-саломатлик тилаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА,  
журналист.**



ли, барча турдаги мушакларга кучли оғирлик туширмайди. Шунингдек, скандинавча юриш ортиқча вазнини йўқотади, бел мушакларини мустаҳкамлайди, стрессдан халос қилади, – дейди бош шифокор Х.Нуриллаевич.

Бўлимларни бирин-кетин айланар эканмиз, беморлар учун мавжуд шароитлар ҳамда энг сўнги русумдаги аппаратларнинг борлиги ва унда малакали мутахассислар ишлаётганлигини гувоҳи бўлдик. Яна бир суҳбатдошимиз клиник шифохонанинг даволаш ишлари бўйича бош шифокорининг муовини Булат Чембаев бу тўғрида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди.

–Айтишим лозимки, Пре-

яратилган. Уларнинг муолажаси учун замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Рақамли рентген, замонавий УТГ, ЭКГ, ЭЭГ аппаратлари, қон ва биокимё таҳлилларга мўлжалланган автоматлар беморларга тўғри ташхис қўйиш ва даволашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳа, биз суҳбатимизни давом эттириш жараёнида Электрконвульсион терапия (ЭКТ) аппаратига кўзим тушди. Бу қандай аппарат экан? Беморлар саломатлиги учун қандай ёрдам бера олиши мумкин деган савол билан Булат Ренатовичга мурожаат қилдим:

–Электрконвульсион терапия (ЭКТ) – беморнинг бош миёсига электр токи таъсири натижасида катта талваса хуржани чакирилишида асо-

## Жараён

АҲОЛИ ГАВЖУМ ЖОЙЛАРИДА  
ЭМЛАШ ПУНКТЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, 28 июндан хавф ости гуруҳига мансуб аҳоли қатламлари билан биргаликда Тошкент шаҳри аҳолисининг 18 ёшдан катта бўлган барча қатламини коронавирус инфекциясига қарши Давлат бюджети ма-

блағлари ҳисобидан ихтиёрий тарзда оммавий эмла- ниши белгиланган эди.

Бугундан ушбу жараённи кенг кўламда ташкил этиш учун Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум нукта- ларида қўшимча эмлаш пунктлари ташкил этилди

ва уларга оилавий поликлиникаларнинг эмлаш учун махсус ходимлари бириктирилди. Улар фуқароларни тегишли кўриқдан ўтказиб, эмлаш жараёнини амалга оширмоқдалар.



## МЕН ВАКЦИНА ОЛДИМ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан бошланган "Мен вакцина олдим" акцияси давом этмоқда.

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори Жасур Ризаев ва институт жамоаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан бошланган #мен\_вакцина\_олдим акцияси доирасида корона- вирус инфекциясига қарши ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси билан эмланди.

Ушбу акцияс доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳу- зуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев ҳам коронавирусга қарши эмланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Матбуот хизмати.



## Кардиология

УСТАНОВЛЕНА ПРИЧИНА ПОВЫШЕ-  
НИЯ ДАВЛЕНИЯ У ПОЛНЫХ ЛЮДЕЙ

Артериальная гипертензия и ожирение – два заболевания, которые относятся к числу самых частых в мире. Ими страдает 30-50% населения в разных странах. Эти патологии взаимосвязаны. При ожирении риск артериальной гипертензии повышается. В свою очередь повышенное артериальное давление – одна из главных причин инфаркта и инсульта.

Ученым давно известно, что при избыточном потреблении высококалорийной пищи гипоталамус обрастает новыми сосудами, поэтому кровоснабжение органа усиливается. Гипоталамус – это эндокринный орган, который является частью головного мозга. Он продуцирует большое количество гормонов, влияет на функцию гипофиза и других желез внутренней секреции.

Но оставалось загадкой, с чем связано появление большого количества сосудов. Наконец, ответ был найден, исследование на эту тему опубликовано в журнале

CellMetabolism.

Ученые предположили, что обильный рост сосудов может быть обусловлен повышенным уровнем лептина. Это гормон, который вырабатывается в жировой ткани. Он принимает участие в регуляции ощущений голода и насыщения, влияет на жировой обмен.

Свои догадки исследователи подтвердили в эксперименте. Они вводили мышам гормон лептин. У подопытных животных усилилась выработка факторов роста, которые стимулируют образование новых сосудов. В результате уве-



личилось их количество в гипоталамусе. Что интересно: в других частях тела формирования новых артерий обнаружено не было. Факторы роста под влиянием лептина вырабатывались только астроцитами – клетками головного мозга.

«Мы объяснили механизм, почему гипоталамус повышает артериальное давление при ожирении», – говорит первый автор исследования Тим Грубер, – мы установили роль в этом процессе астроцитов, которая раньше недооценивалась».

Belhope.ru

## Актуальная тема

КОРОНАВИРУС ИЩЕТ  
ОБХОДНЫЕ ПУТИ

Ученые из Вашингтонского университета в Сент-Луисе и других научных организаций США выявили у коронавируса способность по-новому заражать людей. Об этом пишет Phys.org.

Обычный механизм вторжения SARS-CoV-2 в организм работает следующим образом: с помощью спайкового белка вирус цепляется за ангиотензинпревращающий фермент 2 (ACE2) на поверхности клетки и проникает в нее. Как выяснили специалисты, благодаря мутации коронавирус может не использовать рецепторы ACE2. Это открытие показывает, что вирус способен меняться неожиданно и находить новые пути заражения организма. Ученые проводили большую часть исследований коронавируса с клетками почек приматов, поскольку в них SARS-CoV-2 быстро распространяется. Однако новый эксперимент показал, что раковые клетки легких человека, у которых отсутствует ангиотензинпревращающий фермент 2, восприимчивы к мутировавшему вирусу, выращенному в лаборатории (вариант E484D S). "Это был невероятный сюрприз для нас", – отметил один из участников исследования. Специалисты предположили, что коронавирус находится под "селективным давлением", которое заставляет его искать новые способы проникновения в клетки в обход стандартной схемы с использованием рецептора ACE2. Это явление ученые назвали пугающим.

Медицинская газета.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Амрилло ИНОЯТОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)  
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг  
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома  
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 706 нусха.  
Буюртма Г-740

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзудла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.